

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53406-4.01

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**МОЛИЯ
фанидан
ДАСТУР**

Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"

таълим соҳасидаги 5340600 - "Молия"

бакалаврият йўналиши учун

Тошкент - 2003

Тузувчилар: проф. Ваҳобов А. В.,
доц. Жамолов Х. Н.

Такризчилар: доц. Хайдаров Н.,
доц. Алиева Л.

Ушбу дастур иқтисодий олий ўқув юртлари талабалари учун тузилган бўлиб, молиянинг моҳияти ва функцияларини, молия тизимининг асосий бўғинларини, молиявий сиёсат ва молия механизми асосларини, иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида молияни ташкил этиш ва бошқариш шакллари ҳамда усулларини ўрганишни ўз ичига олади. Дастурда шу билан бирга маъруза, амалий (семинар) машғулоти учун қатор янги мавзулар, жумладан, иқтисодиёт трансформацияси шароитида молиянинг моҳияти ва функциялари, банкротлик шароитида молияни бошқаришнинг ҳозирги замон муаммолари, молиявий хизмат ва унинг ҳозирги замон вазифалари ва ҳоказолар ҳам эътибордан четда қолмаган. Дастурда мазкур предметни ўрганиш учун зарур бўлган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати ўзбек, рус ва инглиз тилларида келтирилган, иқтисодий журнал ва рўзномалардаги мақолалар манбалари берилган. Шу билан бирга рўйхат сўнггида мазкур курснинг тегишли мавзулари бўйича интернет сайтлари ва компьютер ўқув дастурлари рўйхати ҳам илова қилинган.

Данная программа составлена для студентов экономических вузов и включает в себе сущность, функции финансов, основные звенья финансовой системы, основы финансовой политики и финансового механизма, формы и методы организации и управления финансами в условиях либерализации экономики. В нем нашли отражение и ряд новых тем лекционных, практических (семинарских) занятий, такие как, сущность и функции финансов в условиях трансформации экономики, современные проблемы управления финансами в условиях банкротства, финансовая служба и её задачи в современных условиях и т.д. В программе приведен список основной и дополнительной литературы на узбекском, русском и на английском языках, источники материалов из экономических журналов и газет. Вместе с тем программе были приложены компьютерные программы, сайты сети интернета по соответствующим темам учебного курса.

The given manual is intended for the students of economic high schools.

The specialists working on Finance system will be guided in questions of the subject Finance.

Market conditions require high qualified experts to provide economic growth, macroeconomic stability in country. In subjects of the given rate the theoretical questions concerning both companies and public finance.

The given rate of lectures stipulated by the program will help the students to master the basic theoretical aspects necessary for the decision of problems connected with finance.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

"Молия" фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун Ўзбекистон Республикаси молия тизими ҳақида назарий билимлар бериш, уларда иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат молия сиёсатининг йўналишлари бўйича асосий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўргатиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

- молиянинг моҳияти, функциялари, тамойиллари ва ролини ўрганиш;
- молия тизими ва унинг бўғинларини ўрганиш;
- молияни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ўрганиш;
- микро ва макро даражада молиянинг амал қилиши хусусиятларини ўрганиш;
- иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида молиядан фойдаланиш асосларини ёритиш;
- жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг ролини ёритиш ва таҳлил қилиш.

"Молия" фани "Иқтисодий назария", "Давлат молияси", "Чет мамлакатлар молияси" каби фанларда олинган назарий билимларга таянади.

Шу билан бирга "Молия" фани қатор махсус фанлар, жумладан, "Давлат бюджети", "Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш", "Нобюджет фондлар", "Халқаро молия муносабатлари", "Корхоналар молияси", "Солиқ

назарияси", "Суғурта асослари", "Қимматли қоғозлар бозори" каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига (ДТСга) мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларига талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, кўникма ва маҳоратларга эга бўлишлари лозим.

Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда молиявий қонунчилик соҳасидаги янгиликлардан, оммавий-ахборот воситаларидаги кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун талабалар молиявий ҳисоботларнинг асосий шакллари, корхонанинг молиявий аҳволини ва тўлов қобилятини аниқлаш, молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиб, натижаларига баҳо бериш, молияни бошқаришда янги усулларни қўллашни билишлари лозим.

"Молия" фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда замонавий молия тизимига доир адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида қўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари бўйича талабалар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган кўрсатилган шу саволларни талабалар тўлиқ ўзлаштиришлари лозимлигини билдиради.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартлари ўқув режасида "Молия" йўналиши бўйича мазкур курсга жами 216, шу жумладан 72 - маъруза, 72 - амалий, 72 - мустақил таълим соатлари ажратилган. Ушбу фан бўйича дарсларни ташкил этиш IV-V-VI ўқув семестрларига мўлжалланган. Ўқув режасида мазкур фан бўйича мустақил таълим олиш, мустақил ишлаш, курс ишларини бажариш учун тегишли ўқув соатлари ажратилган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш асосида аниқланади.

Фанни ўқитишнинг ҳар бир семестрида икки маротаба жорий (семинар машғулотида), икки маротаба оралиқ (маъруза машғулотида) ва бир маротаба якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр давомида ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар ниҳоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида амалга оширилиши мумкин, охириги семестрда эса якуний баҳолаш фақат ёзма иш усулида амалга оширилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг асосларини қуйдагилар исботлайди:

- тегишли ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш технологиясининг мавжудлиги;
- тўла ўзлаштириш технологиясининг кўзда тутилиши;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш технологияси мавжудлиги;
- тест топшириқларининг инвариантлиги методологияси ва назариясидан фойдаланилганлиги;
- муаммоли усул ва ҳақиқатни иммитацион моделлаштиришдан фойдаланганлиги;
- таянч ибораларга асосланган ёзма иш орқали оралиқ назорат ўтказиш тизимидан фойдаланилганлиги.

Бу фанни ўқитишда молияга тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ("Молия" АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва "Projectexpert" компьютер дастурларидан, янги компьютер технологияларидан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ишчи дастурни тузишга оид услубий тавсиялар

Ушбу фан бўйича ишчи дастури тузишда қуйдагиларга эътибор бериш лозим:

- Ишчи дастурда фан бўйича бакалаврият босқичининг тегишли йўналишларига тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ажратилган соатлар ҳисобга олиниши зарур;

- Ишчи дастурда ҳар бир мавзуга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда тегишли молиявий конунчилик асосидаги янги талаб ва ўзгаришлар талабалар эътиборини жалб қиладиган тарзда берилиши керак;
- Ишчи дастурда мустақил ўзлаштириладиган мавзулар ва саволлар ажратиб кўрсатилиши зарур;
- Ишчи дастурда ўқитишнинг илғор технологиялари, дастурий таъминот имкониятлари ҳамда талабалар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими талабларидан келиб чиқувчи вазифалар ҳам ёритилиши лозим.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Молия" фани бўйича маъруза машғулотлари мавзулари

Молиянинг умумий назарияси ва трансформациялашуви

Молиянинг моҳияти ва функциялари. Молия – давлат – товар-пул муносабатлари. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида молиянинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва функцияларининг амал қилиш хусусиятлари. *Молия ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш. Молиянинг тамойиллари ва роли. Марказлашган иқтисодиёт шароитида молиянинг тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида молия. Макро ва микро кўламда молиянинг амал қилиш хусусиятлари.*

Молия ҳақидаги иқтисодий таълимотлар

Молия ҳақидаги фаннинг тараққиёти. *Марказий Осиё ва Россияда XVIII-XIX асрларда молия назарияси ва амалиётининг ривожланиши. Собиқ иттифок давридаги молиявий таълимот. Молия фанининг асосий назариётчилари, уларнинг назарий қарашлари. Молия фани назариясининг 1950-90 йиллардаги ривожланиши. Артемов Ю.Н., Болдырев Б.Т., Вознесенский Э.А., Зверев А.Т., Лавров В.В., Вознесенский В.М., Сабанти Б.М., Сычев Н.Т., Шерменов М.К. ва бошқалар фундаментал тадқиқотларининг молия назарияси ва амалиётининг ривождаги роли ва аҳамияти. Молия ҳақидаги Ғарб иқтисодий таълимоти, унинг йирик намоёндаларининг назарий қарашлари, улардаги зиддиятлар. Молиявий тартибга солишга оид иқтисодий қарашлар. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида молия ҳақидаги иқтисодий таълимотнинг ривожланиши.*

Молия сиёсати ва молия механизми

Молиявий сиёсатнинг мазмуни. *Молиявий сиёсат давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида. Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва асосий*

тамойиллари. Молиявий стратегия ва молиявий тактика, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Молиявий сиёсат - устқурма категорияси эканлиги. *Устқурманинг жамият иқтисодий базиси билан ўзаро боғлиқлиги. Молиявий сиёсатнинг мақсад ва вазифалари.* Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида Ўзбекистон Республикаси давлат молиявий сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ва асосий йўналишлари. Ҳозирги шароитда молиявий стратегия ва тактиканинг долзарб вазифалари. Молия механизми, унинг мазмуни. *Молия механизмининг мамлакат хўжалик механизмида тутган ўрни, роли ва аҳамияти.* Молия механизмининг таркибий қисмлари: молиявий муносабатлар тизими, пул фондлари, молиявий аппарат. Молия механизмининг соҳа ва бўғинлари. Молиявий муносабатларни ташкил этиш усуллари, турлари. Молия механизмининг элементлари: пул маблағлари фондлари, тўловлар ва солиқлар. Тўлов ва солиқларни миқдор жиҳатдан аниқлаш усуллари ва бошқалар. *Бозор иқтисодиёти шароитида молия механизмининг иқтисодиётга таъсири.* Давлат молиявий сиёсатини амалга оширишда молия механизмининг роли ва аҳамияти.

Молия тизими

Молия тизими ҳақида тушунча. Молия тизимининг тузилиш тамойиллари. *Молия тизимининг соҳа ва бўғинлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.* Микродаражадаги молиявий муносабатлар. Корхона ва ташкилотлар молияси - мамлакат молия тизимининг асоси. Турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарнинг молиявий хусусиятлари. Макродаражадаги молия. *Давлат молиясининг моҳияти ва бўғинлари. Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. Давлат бюджетининг молия тизимидаги ўрни ва роли.* Давлатнинг бюджетдан ташқари махсус мақсадли пул фондлари, улар фаолиятининг ҳозирги замон муаммолари. Давлат кредитининг моҳияти, шакллари ва функциялари. Суғурталаш зарурияти, моҳияти, турлари ва функциялари. Фонд бозори – молия тизимининг таркибий қисми сифатида.

Бюджет тизими

Давлат бюджети - давлат молиясининг марказий бўғини сифатида. Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва мазмуни, унинг давлат моҳияти ва функциялари билан боғлиқлиги. Давлат бюджетининг функциялари. "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимининг янги модели шаклланиши. Бюджет тизимининг бўғинлари. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар. Бюджет тизимининг амал қилиш тамойиллари ва ҳуқуқий асослари. Турли даражадаги бюджетлар даромадлари. Республика бюджетининг даромадлар тизими. Маҳаллий

бюджетлар даромадлари тизими. *Бюджет - иқтисодиётга таъсир кўрсатиш қуроли сифатида.* Давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишда бюджетнинг роли. Бюджетнинг солиқли ва солиқсиз даромадлари, уларнинг таркиби ва нисбатлари. *Солиқларнинг мазмуни, уларнинг гуруҳланиши. Давлат ва маҳаллий солиқлар. Тартибга солувчи ва бириктирилган солиқлар. Тўғри ва эгри солиқлар.* Солиқлар ва даромадларни бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлаш асослари. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими. Асосий солиқли тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш усуллари. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг таркиби ва тузилиши, унинг таҳлили. Давлат бюджети харажатларининг мазмуни, уларнинг асосий йўналишлари ва таркиби. Республика бюджетининг харажатлари тизими. Маҳаллий бюджетлар харажатлари тизими *Бюджетнинг ижтимоий-маданий тадбир харажатлари, уларнинг таркиби. Бюджетнинг халқ хўжалигини ва марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари, уларнинг бозор шароитидаги аҳамияти. Бюджетнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари, уларнинг таркиби. Бюджетнинг давлат бошқарувига, мудофаага, Вазирлар Маҳкамаси заҳира фондиди тузишга ва бошқа мақсадларга мўлжалланган харажатлари.* Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг таркиби ва тузилиши таҳлили. Бюджетдан молиялаштириш тушунчаси, унинг усуллари. Бюджетдан тўловларнинг турлари: бюджет ажратмалари, субсидия, субвенция, дотация.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондлари

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондлари - умумдавлат молиясининг муҳим бўғини. Бозор муносабатлари шароитида бюджетдан ташқари мақсадли пул фондлардан фойдаланишга бўлган ҳақиқий эҳтиёж ва улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини белгилаб берувчи асосий омиллар. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондларнинг гуруҳланиши: мақсадига кўра - иқтисодий ва ижтимоий; бошқариш даражасига кўра - давлат ва регионал (минтақавий). Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондлар маблағларининг шаклланиш манбалари ва харажат қилиш йўналишлари. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондларнинг молиявий бозордаги иштироки. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондларини бошқариш тузилмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. *Давлат ижтимоий суғурта фонди, унинг мазмуни ва тайинланиши. Фонднинг шаклланиш усуллари. Давлат ижтимоий суғурта фондига тушумларнинг манбалари, бозор шароитида манбалар ўртасидаги нисбатларнинг ўзгариши. Давлат ижтимоий суғурта фонди маблағларидан фойдаланиш йўналишлари. Пенсия фонди, унинг*

мазмуни ва вазифалари. Пенсия фондининг шаклланиш манбалари ва харажат йўналишлари. Пенсия фондининг давлат бюджети билан ўзаро муносабатлари. Пенсия фондини бошқариш органлари. Пенсия фонди бюджетининг лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, уни ижро этиш. Давлат бандлик фонди ва бошқа нобюджет фондлар, уларнинг мазмуни ва тайинланиши, маблағларнинг шаклланиш манбалари ва харажатлари йўналишлар.

Давлат кредити

Давлат кредитининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. Давлат кредитининг иқтисодий ва молиявий категория сифатидаги мазмуни. *Давлат кредитининг бошқа молиявий категориялар билан боғлиқлиги.* Давлат кредитининг банк кредити билан ўхшашлиги ва фарқи. Давлат кредитининг объектив зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги. Давлат кредит фаолияти турлари. Давлат-қарздор, давлат-кредитор, давлат-кафил. Ички ва ташқи давлат кредити тушунчаси. Ҳозирги даврда халқаро кредитнинг ривожланиши. Давлат қарзининг пайдо бўлиши. Капитал ва жорий давлат қарзи. Давлат кредити йўли билан жалб қилинган маблағларнинг ишлатилиш йўналишлари ва давлат кредитини қоплаш манбалари. Давлат кредитининг шакллари: давлат заёмлари, аҳолининг омонатга қўйган жамғармаларининг бир қисмини давлат заёмларига жалб қилиш, умумдавлат ссуда фондидан қарз олиш, хазина ссудалари, кафолатланган заёмлар. Давлат заёмларининг гуруҳланиши. Ички ва ташқи заёмлар. Ички заёмлар классификацияси: эмиссия қилиш ҳуқуқига кўра-давлат ва маҳаллий, даромадлар тўлаш шаклига кўра-фоизли, ютуқли, фоизсиз мақсадли; қоплаш муддатига кўра-қиска, ўрта, узок муддатли; жойлаштириш усулига кўра-ихтиёрий, обуна бўлиш орқали, мажбурий; расмийлаштиришга кўра-облигацияли, облигациясиз. Облигацияли заёмлар, облигация турлари. Давлат заёмлари облигацияларининг курс ва фоизлари. Облигацияларнинг даромадлилиги. Давлат қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ҳолати. Халқаро давлат кредити. *Халқаро давлат кредити бўйича кредиторлар ва қарз олувчилар (қарздорлар).* Халқаро давлат кредитини бериш ва қоплаш манбалари. Халқаро давлат кредит муносабатларининг субъектлари. Халқаро давлат кредитини бериш шартлари. Ўзбекистон Республикасининг халқаро давлат кредити муносабатларига кириши, унинг мамлакат миллий иқтисодиёти учун аҳамияти. Давлат қарзини бошқариш. Давлат қарзи бўйича фоизларни тўлаш. *Консолидация ва конверсия, уларни унификация қилиш. Заёмни қайтариш муддатини кечиктириш.* Давлат қарзини бекор қилиш.

Маҳаллий молия

Маҳаллий молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. *Минтақавий сиёсатни олиб боришда маҳаллий молиянинг роли.* Маҳаллий молиянинг тузилиши. Маҳаллий бюджетлар. Маҳаллий ҳукумат органларига тегишли корхоналар ва мулкларни эксплуатация қилишдан келган даромадлар. Мамлакат миллий даромадининг қайта тақсимланишида маҳаллий бюджетнинг роли. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари, уларнинг таркиби ва тузилиши. Маҳаллий бюджетларнинг солиқли ва солиқсиз даромад ҳамда тушумлари, уларнинг нисбати. Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари ва қайта тақсимлаш тартибида тушадиган даромадлари. Маҳаллий солиқлар, уларнинг маҳаллий бюджетлар даромад базасини таъминлашдаги роли ва аҳамияти. Маҳаллий солиқларнинг асосий турлари. Иқтисодиётга харажатлар. Ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари ва бошқа ижтимоий мақсадлардаги харажатлар. Маҳаллий бошқарув органларини сақлаш харажатлари. Маҳаллий бюджетларнинг юқори турувчи бюджетлар ҳамда республика бюджети билан молиявий муносабатлари. Бюджет субсидиялари. Субвенцияларнинг маҳаллий бюджетлар учун аҳамияти. *Маҳаллий ҳукумат органларининг мустақиллигини ошириш борасидаги давлат сиёсати.* Уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашнинг асосий йўналишлари. *Маҳаллий органлар заёмларининг моҳияти ва аҳамияти.* Маҳаллий заёмлар-маҳаллий ҳукумат органлари капитал қўйилмаларини молиялаштиришнинг усули сифатида. Маҳаллий ҳукумат органларининг махсус фондлари, бозор шароитида уларнинг ривожланиши. Махсус фондларнинг даромад ва харажатлари.

Молияни бошқариш

Молияни бошқаришнинг моҳияти, объектлари ва субъектлари. Молияни бошқаришнинг ташкилий тамойиллари. Молияни бошқариш элементлари: истикболни белгилаш, ахборот; молиявий муносабатларни оператив бошқариш, молиявий тартибга солиш, назорат. *Молияни умумий ва оператив бошқариш органлари.* Молия Вазирлиги, унинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Молия Вазирлигининг молия-бюджет бошқарувини ташкил этишдаги роли. Давлат Солиқ қўмитаси, унинг жойлардаги органларининг давлат бюджетига тўловлар ва солиқларнинг тушишини бошқариш ва назорат қилишдаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. *Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида солиқ идораларининг роли ва аҳамиятининг ошиши.* *Хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқаришдаги корхона ва ташкилотларнинг молия хизматлари.* Молияни бошқаришда иштирок этувчи бошқарувчи тузилмалар

фаолиятини мувофиқлаштириш. *Ривожланган хорижий давлатларда молиявий бошқарув. Ўзбекистон Республикасида молиявий бошқарув.*

Молиявий назорат

Молиявий назоратнинг моҳияти ва функциялари. Давлат молия назорати. Нодавлат молия назорати. Молиявий назоратнинг тамойиллари ва тизими. Давлат томонидан молия назоратини таъминлашнинг асосий тамойиллари. *Молиявий назорат бўйича халқаро тажриба.* Назорат шакллари. Назорат объектлари, субъектлари. Назорат турлари ва усуллари. Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг молиявий таъминлашдаги функция ва вазифалари. Фирма ичидаги молиявий назорат. *Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган назорат. Аудит назорати.*

Солиқ ва солиққа тортиш

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими. Солиқ. Йиғим. Божхона божи. *Солиқ ва солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари.* Солиқларнинг функциялари. Умумдавлат солиқлари. Маҳаллий солиқлар. Солиқ тўловчилар. Солиқ органлари, уларнинг функциялари ва масъулиятлари. *Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.* Солиқ объекти ва турлари. Солиқ ставкаси. Солиқ базаси. Солиқ даври. Солиқ кредити. Солиқ назорати. Солиқ текширувларини ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Корхоналар даромад ва фойдасини солиққа тортиш. Корхоналарда солиқ ҳисоби ва менежменти. Солиқларни мукамал бошқариш стратегияси. Солиқ ставкалари. *Алоҳида олинган даромадларни солиққа тортиш.* Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш. Акцизлар. Қўшилган қиймат солиғи. Корхоналар мол-мулкига солиқлар. Солиқларни оптималлаштириш масалалари. Солиқ декларацияси. Бюджетдан ташқари мақсадли фондларга мажбурий тўловлар.

Суғурта

Суғурта асослари. Иқтисодиётда суғуртадан фойдаланиш зарурияти. Суғуртанинг функциялари: таваккаллик, огоҳлантирувчи, жамғарувчи ва назорат. Суғурта турлари. Суғурта тармоқлари: мулкӣ, шахсий, ижтимоӣ, жавобгарлик суғуртаси, тадбиркорлик, таваккали суғуртаси. Суғурта шакллари: ихтиёрӣ, мажбурий. *Суғурта ишидаги асосий тушунчалар.* Суғурталаш тартиби ва шартлари. Ижтимоӣ суғуртанинг хусусиятлари. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта муносабатларининг ривожланиши. *Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг шаклланиши ва кенгайиши.* Бозор муносабатлари шароитида мулкӣ суғуртанинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти. Суғурта объектлари. Мулкӣ

суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий шакллари. *Мажбурий суғуртанинг турлари.* Хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар мулканинг мажбурий суғуртаси. *Ихтиёрий суғурта.* Корхоналар ва фуқароларнинг ихтиёрий суғуртаси турлари. *Ўзбекистонда мулкий суғурта бўйича суғурта ишининг ҳолати.* Шахсий суғуртанинг асосий турлари. Жавобгарлик суғуртасининг турлари. Тадбиркорлик таваккали суғуртаси, унинг мазмуни ва бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти. Ижтимоий суғуртанинг моҳияти. Ижтимоий суғуртани ташкил қилиш принциплари, вазифалари. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсати. *Ижтимоий суғурта воситасида жамият томонидан ҳал қилинадиган вазифалар.* *Ижтимоий суғуртанинг асосий вазифалари.* Ижтимоий суғурта фондининг шаклланиш манбалари. Ижтимоий суғурта маблағларидан фойдаланиш шакллари. Тўловлар ва хизматлар классификацияси. *Инсоннинг ижтимоий меҳнатдаги иштироки ва меҳнатнинг иқтисодий моҳиятига кўра тўланадиган тўловлар ва имтиёзлар.* *Функционал белгиланишига кўра тўлов ва имтиёзлар.* Пенсиялар, уларнинг белгиланиши. Пенсияларнинг турлари. Ижтимоий суғуртанинг бозор муносабатларининг ривожланиши билан жамиятда объектив тарзда юзага келадиган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги аҳамияти.

Давлат буюртмалари, захиралари ва эҳтиёжларини молиялаштириш

Давлат ва маҳаллий давлат органлари буюртмалари. Давлат шартномалари. Ёпиқ савдолар. *Давлат мудофаа буюртмаси.* Давлат буюртмаси. Давлат буюртмачисининг функциялари. Давлатнинг олтин ва кумуш захираларни сотиб олиши. Ўзбекистон Республикасининг олтин захираси. Давлат моддий захиралари. *Камаймайдиган моддий захиралар.* Моддий захираларни мажбурий суғурталаш. Умумдавлат эҳтиёжлари. Республика фонди. Худудий фондлар.

Ҳукуматнинг қонунчилик-ижроия институтлари ва уларнинг молия соҳасидаги функциялари

Бюджет маъмуриятчилиги. Молиявий назоратнинг давлат ва маҳаллий органлари. Бюджет маъмуриятчилигининг субъектлари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Бюджет маъмуриятчилиги асосида республика бюджети субъектларининг фаолияти. Бюджет маъмуриятчилиги асосида маҳаллий бюджетлари субъектларининг фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва масъулиятлари. Маҳаллий молия органларининг вазифалари, ҳуқуқлари, масъулиятлари. Давлат хазиначилик фаолиятининг зарурияти, функциялари, бюджет ваколатлари, масъулиятлари ва муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолияти, функциялари, масъулиятлари ва унинг бугунги муаммолари. Солик

маъмуриятчилиги. Солиқ назоратининг давлат ва маҳаллий органлари. Солиқ маъмуриятчилигининг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. *Давлат Солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги солиқ органларининг функциялари, ҳуқуқ ва масъулиятлари.* Солиққа доир қонунчиликни бузишга қарши кураш хизматининг функциялари, ваколатлари ва масъулиятлари. *Давлат Божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги божхона органларининг функциялари, ҳуқуқ ва масъулиятлари.* Давлат мулкани бошқариш қўмитасининг функциялари ва давлат молиясини бошқариш.

Иқтисодиётнинг давлат ва тадбиркорлик секторлари молиясининг хусусиятлари

Иқтисодиёт секторларида молиявий бошқарув объектлари. Иқтисодиётнинг давлат ва маҳаллий бошқариш соҳалари молиясининг хусусиятлари. *Давлат ҳокимиятининг бошқарув даражасига кўра молиявий муносабатларни ташкил этиш ва бошқариш хусусиятлари.* Иқтисодиётнинг давлат секторидаги институционал ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва уларнинг молияни ташкил этиш ва бошқариш жараёнига таъсири. Давлат харажатларини тежаш дастурининг асосий йўналишлари. *Бюджет тизими бўғинларида ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимланиши.* Иқтисодиётнинг тадбиркорлик сектори молиясининг хусусиятлари ва асослари. Тадбиркорлик фаолиятининг умумий тавсифи, уни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурининг вазифалари. *Маблағлар чекланганлиги шароитида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш имкониятлари.*

Ижтимоий соҳалар молияси

Давлат ижтимоий сиёсатининг моҳияти ва ҳозирги замон хусусиятлари. Давлат ижтимоий ва иқтисодий сиёсатининг ўзаро мутаносиблиги. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг "ўзбек модели" ва унда ижтимоий ҳимоя тизими. Ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг барқарорлигини таъминлаш. *Ижтимоий соҳа тараққиёти муаммолари ва уларнинг ечимлари.* Ижтимоий соҳалар тараққиётини давлат томонидан тартибга солиш усуллари. Ижтимоий ҳамкорлик. Корхоналар ижтимоий жамғармалари. Ижтимоий хизматлар учун молиявий харажат меъёрлари. Ижтимоий-маданий соҳани бюджетдан молиялаштириш. Таълим тизими ислохотлари ва унинг молиявий муаммолари. Соғлиқни сақлаш тизими ислохоти ва унинг молиявий таъминоти. *Уй-жой ва коммунал хўжалиги харажатларини молиялаштириш.*

Турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарнинг молиявий хусусиятлари

Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштириши жараёнининг корхоналар молиявий хусусиятларига таъсири. Корхоналар молияси – Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг асоси. Моддий ишлаб чиқариш

корхоналари молиясининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари. *Хўжалик иттифоқлари молиясининг хусусиятлари. Хўжалик уюшмалари молиясининг хусусиятлари.* Ҳиссадорлик жамиятлари молиясининг хусусиятлари. Давлат корхоналари молиясининг хусусиятлари. *Номоддий ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари молиясининг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари. Нотижорат ташкилотлари молиясининг хусусиятлари.* Кичик корхоналар молиясининг хусусиятлари. Молия-саноат гуруҳлари фаолиятининг молиявий асослари ва хусусиятлари.

Корхоналарнинг молиявий ресурслари

Корхоналар молиявий ресурслари ва уларнинг ташкил топиши манбалари. Корхоналар молиявий ресурсларининг ишлатилиш йўналишлари. Корхона молиявий ресурслари манбаларининг таркиби ва динамикаси таҳлили. Фойданинг шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши таҳлили. Корхона молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона молиявий ресурсларини ташкил этишни такомиллаштириш йўналишлари. Корхона молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари.

Тижорат асосида фаолият юритувчи корхоналар ва ташкилотлар молияси

Мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда тижорат асосида иш юритувчи корхоналарнинг тутган ўрни. Тижорат асосида фаолият юритувчи корхоналар ва ташкилотлар молиясининг мазмуни ва моҳияти. *Тижорат асосида фаолият юритувчи корхоналар ва ташкилотлар молиясининг ташкилий тамойиллари.* Корхоналар молиясини ташкил этишга таъсир кўрсатувчи омиллар. Корхоналар молиявий ресурсларининг мазмуни ва таркиби. *Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида молиявий ресурслар ташкил топиш манбалари мукамал таркибини таъминлаш ва бошқариш муаммолари.* Корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот сотишдан тушган тушум. Корхонанинг ўз капитали. Корхона фойдаси ва рентабеллиги. Фойдани тақсимлаш асослари, тамойиллари. Фойдани тақсимлашда бозор иқтисодиётида корхоналар мустақиллиги ва эркинлигининг ошиши. Фойданинг тақсимланиш тартиби. *Бозор шароитида даромаддан фойдаланиш йўллари.* Корхоналарнинг бюджет билан ўзаро муносабатлари. Корхоналар томонидан тўланадиган солиқлар ва тўловлар, уларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, ставкалари, имтиёз ва санкциялари (жазо чоралари). Корхоналарда молиявий режалаштириш. Корхона молиявий режаси, унинг таркиби ва тузилиши. Корхона даромад ва ҳаражатлари баланси. Бозор

шароитида молиявий режалаштириш. Корхона бизнес-режаси, унинг аҳамияти. Корхона молиявий ишларини ташкил этиш.

Нотижорат фаолият олиб боровчи муассасалар ва ташкилотлар молияси

Нотижорат фаолият олиб боровчи муассасалар ва ташкилотлар. Нотижорат секторнинг молиявий ресурслари. Нотижорат секторини молиялаштириш манбалари: бюджет маблағлари; корхоналар, жамоат ташкилотлари, фукаролар маблағлари; пуллик хизматлардан тушумлар; мулкни ижарага беришдан тушумлар; ихтиёрий бадаллар ва хайр-эҳсонлар. *Молиявий ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш усуллари.* Нотижорат сектори молия механизмини хўжалик юритишнинг бозор шароитлари асосида қайта қуриш. Ходимларга ҳақ тўлаш, бюджетдан молиялаштириш тизимининг ўзгариши ва такомиллаши. *Иқтисодий рағбатлантириш механизмини жорий қилиш ва ривожлантириш.* Тиббиёт суғуртасини шакллантириш, соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришда тиббиёт суғуртасининг роли. Бюджет муассасаларида молиявий режалаштириш, уларнинг молиявий режаси. Харажатлар сметаси, унинг асосий моддалари. *Бозор шароитида молиявий режалаштиришни такомиллаштириш.* Даромад ва харажатлар сметаси, унинг харажатлар сметасидан фарқлари. Смета кўрсаткичларини режалаштириш.

Ҳиссадорлик жамиятлари молиясининг хусусиятлари

Ҳиссадорлик жамиятларининг ташкил этилишида молиянинг роли. Ҳиссадорлик жамиятларининг шакллари. Ҳиссадорлик жамиятларининг фаолият юритиши. Ҳиссадорлик жамиятларининг молияси. Капитал. Фойда. Ҳиссадорлик жамиятларининг фондлари. Акция бўйича тўловлар. Соф активлар. *Ҳиссадорлик жамиятининг низом капиталининг ўзгариши.* Ҳиссадорлик жамиятининг молиявий аҳволи ва фойданинг тақсимланиши. Акция ва унинг турлари. Дивидендларнинг аниқланиш усуллари. Облигациялар ва улар бўйича фойзалар. Бошқа қимматбаҳо қоғозлар. *Ҳиссадорлик жамиятларининг акционерлар реестри.* Номинал акция ушловчилар. Ҳиссадорлик жамиятларини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг молиявий масалалари. Ҳиссадорлик жамиятларининг қўшилиши. Ҳиссадорлик жамиятларининг бўлиниши.

Молия-саноат гуруҳлари

Молия-саноат гуруҳларининг моҳияти, зарурлиги ва иқтисодийнинг таркибий ўзгаришларидаги ўрни. Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг иқтисодий моҳияти. Молия-саноат гуруҳларининг молиявий таъминоти. *Молия-саноат гуруҳлари – капитал йириклашувининг объект*

жараёни натижаси сифатида. Молия-саноат гуруҳларининг турлари. Молия-саноат гуруҳларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва улар ривожланишининг истиқболлари. *Молия-саноат гуруҳлари фаолиятининг молиявий-иқтисодий йўналишлари.*

Корхоналарни молиялаштириш ва кредитлаш

Корхоналарни молиялаштириш шакллари ва усуллари. Корхоналарни молиялаштириш ва кредитлаш жараёнида ўз-ўзини қоплаш ва ўз-ўзини молиялаштириш усулларининг хусусиятлари. *Молиявий ўсиш омиллари.* Самарали ўсишнинг ташқи ва ички турлари. Молиявий рискларнинг моҳияти ва туркумланиши. *Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналарни молиялаштириш ва кредитлаш жараёнидаги ҳозирги замон муаммолари тавсифи.* Корхоналарни молиялаштиришни ташкил этиш. Корхоналарни кредитлаш. Корхоналарни кредитлаш тамойиллари. Банк кредитининг зарурлиги, моҳияти ва муаммолари. *Кредит шартномасининг мазмуни. Кредитнинг таъминланганлиги.* Муаммоли кредитларни бошқариш ва кредитдан фойдаланишда тўлов интизомига риоя қилишни таъминлаш юзасидан тадбирлар. *Вексель муомаласининг афзалликлари ва имкониятлари. Оддий ва ўтказиладиган вексель.* Факторинг, лизинг ва траст операциялари.

Корхона пул маблағлари оқимларини бюджетлаштириш

Корхона пул маблағлари бюджетининг моҳияти ва ҳозирги замон молиявий менеджмент тизимидаги ўрни. Корхонанинг пул оқимларини бошқариш зарурияти, омиллари ва усуллари. Корхона пул маблағлари оқимини бюджетлаштириш усуллари ва услубиёти. Оператив молиявий режалаштиришни ташкил этиш.

Корхоналарнинг оборотдан ташқари активлари

Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг таҳлили. Корхоналарнинг оборотдан ташқари активларининг моҳияти ва уларни баҳолаш. Оборотдан ташқари активларнинг таркиби. Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш. Асосий фондларнинг фаол ва суст турлари. Асосий фондларнинг амортизацияси. *Номоддий активлар ва уларнинг таркиби.* Оборотдан ташқари активларнинг бозор ёки баҳоловчи қиймати. Оборотдан ташқари активларнинг тугатилиш қиймати. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари. Жамғармалар ва инвестициялар. Жамғариш ва инвестициялаш зарурияти, моҳияти. Соф ва ялпи инвестициялар. Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари. Инновацион мақсадлардаги инвестициялар. *Хусусий ва давлат инвестициялари.* Инвестиция жараёнининг субъектлари, объектлари ва истеъмолчилари.

Инвестицион фаолиятни молиявий таъминлаш. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш. Капитал қурилиш соҳасида инвестицияларнинг ўзлаштирилиши. Молиявий қўйилмалар ва портфель инвестициялар. Капитал бозорининг амал қилиши. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар. Корхонанинг портфель стратегияси. Пай асосидаги инвестицион фондлар. Эмиссия жараёнининг моҳияти, босқичлари, қатнашчилари ва тартибга солиниши. Хорижий инвестициялар. Тўғри хорижий инвестициялар. Хорижий инвесторларнинг ваколатлари ва инвестицион фаолияти. Қулай инвестицион муҳит. *Устивор инвестицион лойиҳа ва унинг имтиёз шартлари*. Эркин иқтисодий зоналар. Халқаро молиявий, солиқ, божхона, ҳисоб-китоб келишувлари ва битимлари.

Корхоналар айланма маблағларини молиялаштириш

Айланма маблағларнинг моҳияти, таркиби ва баҳоланиши. Товар моддий бойликлар захираларини баҳолашнинг жорий баҳолардаги (ЛИФО) усулининг, ҳақиқий сотиб олиш баҳоларидаги (ФИФО) усулининг моҳияти. *Айланма маблағларнинг меъёрлаштирилиши*. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар. *Нақд пулли ҳисоб-китоблар*. Қарзларни бошқариш. Дебиторлик қарзларининг моҳияти ва уларни бошқариш. Кредиторлик қарзларининг юзага келиши ва уларни бошқариш. *Таннарх ва харажатлар*.

Тадбиркорлик фаолиятининг молиявий натижалари

Молиявий натижаларнинг шаклланиши. Якуний молиявий натижа. Маҳсулот сотишдан ташқари олинган даромадлар. Молиялаштиришнинг ўз манбалари. *Низом капитали*. Заҳира фонди. Истеъмол ва жамғарма фондлари. *Молиявий битимлар*. Молиявий режалаштириш. Стратегик, жорий, оператив молиявий режалар. Корхоналарнинг молиявий ҳолати. Корхоналар молиявий ҳолатининг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш.

Корхоналарнинг молиявий ночорлиги (банкротлиги)

Банкротликнинг давлат томонидан тартибга солиниши. Банкротликни бошқаришда амал қилувчи ҳуқуқий меъёрлар. Банкротлик шарт-шароитлари. *Қарздор томонидан талаб қилинадиган банкротлик*. *Кредитор томонидан талаб қилинадиган банкротлик*. Банкротлик жараёни. Вақтинчалик бошқарувчи. Ташқи бошқарувчи. Конкурс ишлаб чиқариш. Банкротлик мезонлари.

Молиявий таҳлил ва корxonанинг молиявий старегияси

Корxonаларда молиявий таҳлил. Молиявий таҳлилни амалга ошириш усуллари. Корxона молиявий ҳолатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Активлар, пассивлар, корxonанинг захира ва харажатлари таркиби. Молиявий баркарорликнинг таҳлили. Корxона молиявий ҳолатини белгиловчи ҳолатининг таҳлили. *Корxonалар молиявий фаолияти натижаларининг коэффиценти. Корxonанинг бухгалтерия баланси.* Молиявий ҳолатнинг умумий таҳлили. Корxона молиявий фаолиятининг таҳлили бўйича умумий хулоса. Корxonанинг молиявий стратегияси. Молиявий стратегиянинг мақсадлари.

Уй хўжаликлари молияси

